Ушбу сонда:
2 ТАДБИРКОРЛИК-ДАВР ТАЛАБИ
3 ВАТАН ТУЙҒУСИ
4 *Тадбир* ҲАМ БАҲС, ҲАМ ҲОРДИҚ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 20 сентябр, сешанба № 155 (1996)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*«Пахта-2005»*

## ИЛК ДОВОНДАН ОШИЛДИ

### Мамлакатимиз пахтакорлари уйган хирмон 1 000 000 тоннадан ошиб кетди

-Қашқадарё вилоятининг Нишон туманидаги Шуҳрат Умаров раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги сентябр ойининг бошида мамлакатимиз фермерлари ўртасида биринчилардан бўлиб давлатга пахта сотиш шартнома режасини бажарган эди. У 40 гектар майдонда мўл-кўл ҳосил етиштирди. Биринчи теримдаёқ 116,5 тонна ҳосил кўтарилиб, шартнома режаси 105 фоизга бажарилди.

- Ҳали даламизда ҳосил мўл,- дейди фермер. - Ҳозиргача терилган пахтамиз 130 тоннадан ошди. Мақсадимиз ҳосилдорликни эллик центнерга, ялпи хирмонни эса икки юз тоннага етказишдир.

Мамлакатимизда режани ошириб бажараётган бундай фермерлар сафи тобора кенгаймоқда. Деҳқонларимизнинг самарали меҳнати эвазига мамлакатимиз «оқ олтин» хирмони кун сайин юксалмоқда. Айни кунгача давлат пахта қабул пунктларига топширилган пахта бир миллион тоннадан ортди!

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, республикамиз бўйича белгиланган йиллик шартнома режасининг ҳар куни тўрт фоизигача ҳосил йиғиб-териб олинмоқда. Мавсум бошидан буён уюлган хирмон эса 31 фоиздан ошди. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан қарийб икки баравар кўп демакдир.

Қорақалпоғистон Республикаси пахтакорлари, мамлакатимизнинг энг шимолий ҳудудларида ҳосил етиштираётганига қарамай, зафар маррасига барчадан олдинроқ яқинлашмоқда. Улар шу кунгача қарийб 130 минг тонналик хирмон уйиб, йиллик режани 70 фоизга етказди. Нукус тумани меҳнаткашлари мамлакатимизда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартнома режасини бажарган эди. Кеча яна тўрт туман - Қўнғирот, Қораўзак, Қанликўл ва Тахтакўпир тумани пахтакорлари маррага етиб келди.

Ҳар куни 3,5 фоиздан ошириб пахта тайёрлаётган хоразмликлар уйган хирмон эса режалаштирилган ҳосилнинг ярмига тенглашди.

Кунлик ўсишда Бухоро вилояти теримчию механизаторлари ўрнак бўлмоқдалар. Улар кунига йиллик режанинг 6-6,5 фоизи атрофида ҳосил териб оляптилар. Қашқадарё, Фарғона, Жиззах, Навоий вилояти пахтакорлари ҳам суръатга суръат қўшмоқдалар.

**(ЎзА)**

---

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди узра парвоз этиб, Ҳиндистонга қайтар эканман, Ҳиндистон ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Ўзбекистоннинг дўст халқига фаровонлик ва гуллаб-яшнашини тилаб билдирган самимий қутловларим ва эзгу тилакларимни йўллашга ижозат бергайсиз.

**Манмохан СИНГХ,**
**Ҳиндистон Бош вазири**

---

## СЕМИНАР ДАВОМ ЭТАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раисларининг давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган амалий семинар ва давра суҳбатларининг навбатдаги босқичи бошланди.***

Мазкур академия ректори Қ.Назаров семинарни очар экан, мамлакатимизда хотин-қизларнинг мавқеини юксалтириш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида эканини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони аёлларни ижтимоий, ҳуқуқий муҳофаза қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фаоллигини ошириш борасидаги ишларни янги поғонага кўтарди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ушбу фармонда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Республика хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ўқув-машғулотларини бошлаган. Машғулотлар ҳар бир ҳудуддаги аёллар ташкилотларининг ўзига хос жиҳатлари, улар дуч келаётган муаммо ва камчиликларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилаётгани эътиборга лойиқдир. Бу галги семинар ва давра суҳбатига Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти туман ва шаҳарларининг хотин-қизлар қўмиталари раҳбарлари таклиф этилди.

Семинар ва давра суҳбатларида тингловчилар учун Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Марказий банк ва бошқа ташкилот ҳамда муассасалар, вазирликлар мутасаддилари иштирокида очиқ мулоқотлар, ўқув машғулотлари ташкил этилмоқда. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари фаолияти атрофлича ўрганилади, ютуқ ва камчиликлари таҳлил этилади, уларга самарали фаолият юритиши учун амалий ёрдам берилади.

**(ЎзА)**

---

## БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

«Навоийэлектртармоқлари» очиқ акциядорлик жамиятида ишловчиларни ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга катта эътибор қаратилмоқда. Аввало шуни айтиш жоизки, корхонада меҳнат унумдорлигининг ошиши, иш сифатининг яхшиланиши ишловчилар иш ҳақини сезиларли ошириш имконини берди. Жамоа шартномасига асосан шу йилнинг олти ойи мобайнида оммавий-маданий, соғломлаштириш тадбирларига 6 миллион 339 минг сўм маблағ ажратилди. 58 нафар киши «Навоийазот» санаторий-профилакторийси, Республика энергетика вазирлигининг «Нурафшон» ва мамлакатимизнинг бошқа сиҳатгоҳларида дам олдирилди. Шунингдек, 18 нафар боланинг ёзни кўнгилли ва соз ўтказишлари учун оромгоҳларга корхона ҳисобидан бепул йўлланмалар ажратилди.

Корхонада спорт тадбирларини намунали ўтказиш, спортчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга 1 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

**Я.САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

*Ижтимоий ҳимоя*

## ИШЧИ УЙИ

### корхона ҳисобидан таъмирланди

***Акрам уйига яқинлашар экан, хомуш тортди. Хотини Ҳалима унга яна савол назари билан боқади, болалари ҳам шу маънода термулишади. Ахир, эрта-индин янги ўқув йили бошланади. Ўғил-қизлари ўқийдиган мактабга эса ўқувчилар бир хил кийимда келишлари белгиланган. У эса оддийгина ишчи, тўрт ўғил-қизга бундай кийимни қайси пулига олади? Қолаверса, унинг яна мактабга бормайдиган уч кичкинтой фарзанди бор. Ҳаммаси ейман, ичаман, дейди.***

Уйга кириб чала-чулпа овқатланди-да, «боши оғриётганлиги»ни баҳона қилиб, ётиб олди. Қўшнисиникидан қайтиб чиққан хотини эрининг бу ҳолатини кўриб айтган «буюртмаси»ни сўрашга кўнгли бўлмади.

Акрам эртасига иш орасида смена устасидан руҳсат сўраб, корхона раҳбари қабулига кирди.

— Касабақўмга учрашдингизми, шароитингизни, тушунтирдингизми? - сўради ўз навбатида корхона раҳбари Тоҳир Шамсиддинов.

Акрамжон ҳомушгина бош ирғади.

— Айтдим, сиз билан маслаҳатлашиб кўришга ваъда қилди. Битта бўлса ҳозироқ масалани ҳал этардим, аммо тўрт нафар экан, буни раҳбарга билдириш керак, деганди.

- Мен ҳозир касабақўм Иброҳим Раҳимов билан маслаҳатлашаман. Натижасини шу бугун кечгача сизга маълум қиламиз.

Куннинг иккинчи ярмида смена тугаши олдидан И.Раҳимов чақираётганлигини айтишди. Хонага кириб борганида, касабақўм уни очиқ чеҳра билан кутиб олди.

— Аризангизни ижобий ҳал қилдик, - деди ўтиришга жой кўрсатаркан. — Икки қизингиз ва икки ўғлингизга ўқувчилар формаси сотиб олиш учун корхона томонидан зарур пул ажратилди. Ҳозир тўппа-тўғри корхона хазинахонасига кириб олишингиз мумкин.

Шу тариқа Раҳимовларнинг тўрт фарзанди янги ўқув йилини янги ўқувчилар кийимбоши билан кутиб олдилар. Папка ва дарсликларнинг бир қисми мактаб томонидан бепул берилди.

«Учқўрғонёғ» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан фақат Раҳимовгагина эмас, яна бир неча кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ҳам ана шу тариқа моддий кўмак кўрсатилди. Чунончи, Ҳабибулло Шарипов, Ҳадиса Кенжаева каби ишчиларнинг ўғил-қизларига янги ўқув йили арафасида ўқувчилар кийим-бошларидан ёрдам кўрсатилди.

Корхонада ишчи-хизматчилар фарзандларини соғломлаштириш масаласи ҳам диққат-эътиборда. Чунончи, шу йилги ёзги таътили ойларида жамоа аъзоларининг 32 ўғил-қизи вилоят ва туманнинг соя-салқин болалар оромгоҳларида ҳордиқ чиқардилар.

Умуман, маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ишловчиларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш, саломатликларини мустаҳкамлаш масаласига доимо катта аҳамият бериб келмоқдалар. Жамоа аъзолари орасида 30 нафар кам таъминланган оила мавжуд бўлиб, улар ҳол-аҳволидан ҳамиша хабар олиб турилади ва зарур моддий кўмак кўрсатиб борилади.

Шунингдек, узоқ йиллар корхонада ишлаб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган отахон ва онахонларга ҳам ёрдам берилмоқда. Масалан, жорий йилда қаровчисини йўқотган Мингбой ота Тошалиевнинг уйи таъмирлаб берилди. Раҳима Маматқулова, Муҳаббат Отабоева, Усмон Сувоповларга уйларини таъмирлаб олишлари учун қурилиш ашёларидан кўмаклашилди. Ишчи-хизматчиларидан Адҳам Қаҳҳаров, Ҳалима Ёдгорова, Алишер Қурбоналиевнинг шифохоналарда касалликлардан фориғ бўлиб олишлари учун зарур бўлган дори- дармонлардан ёрдам кўрсатилди. Ўн нафар ишчи-хизматчи эса тўй ўтказиб олишларида қўллаб-қувватланди. Ориф Сайдуллаев, Ҳафиза Сиддиқова, Маҳмуда Ҳакимова, Аҳмад Умаров, Собир Йўлдошевлар корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг кўмаги туфайли сиҳатгоҳларда саломатликларини тиклаб қайтдилар.

Жамоа ва унинг оила аъзолари ҳақида қилинаётган ғамхўрлик ўз самарасини бермоқда. Корхона бугунги кунда Учқўрғон туманидагина эмас, Наманган вилоятидаги илғор корхоналар қаторида бормоқда.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

*Қарор ва ижро*

## МАРДЛАРНИ МАЙДОН САРАЛАЙДИ

***Айни кунларда мамлакатимиздаги барча чақирув-йиғин пунктларида йигитларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш, улар орасидан ҳар томонлама соғлом, бақувват ва руҳан баркамол ёшларни танлов асосида саралаб олиш ишлари қизғин давом этмоқда.***

Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси ва унинг шаҳар, туман чақирув пунктларида ҳам бу борадаги ишлар Президент Ислом Каримовнинг шу йил 2 сентябрда эълон қилинган «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарори ва бу борадаги бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилмоқда.

- Ходимларимиз тегишли муассаса ва ташкилотлар ҳамда Қуролли Кучлар қўшинларидан келган вакиллар билан ҳамкорликда бўлғуси юрт посбонларининг оилавий шароити, жисмоний ва маънавий тайёргарлигини синчиклаб ўрганмоқда, - дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Зоҳид Аҳмадхўжаев. - Ҳар йилгидек, август ойининг бошида жойлардаги мудофаа ишлари бўлимларида, сентябр ойидан эса вилоят чақирув-йиғин пунктида тиббий комиссиялар ташкил этилди.

Вилоят ҳокимлиги, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакилларидан иборат вилоят чақирув комиссияси иш бошлади.

- Баҳорги чақирувда муддатли ҳарбий хизматга Паркент ва Зангиота туманларидан чақирилиб, ҳарбий қисмларга жўнатилган йигитларимиздан икки нафарининг соғлиғи талаб даражасида эмаслиги боис кўп ўтмай қайтиб келди, - деди З.Аҳмадхўжаев. - Шундан хулоса чиқариб, тиббий комиссиялар ишини янада такомиллаштиришга, бу каби ҳолатларга йўл қўймасликка, бўлажак ҳарбийларни сифатли ва холисона тиббий кўрикдан ўтказишни таъминлашга жиддий эътибор қаратяпмиз.

Вилоятимизда бунинг учун зарур шарт-шароит яратилган. Шу йилнинг март ойида вилоят ҳокимлиги кўмагида харид қилинган замонавий тиббий асбоб-ускуналар аниқ ташхис қўйишда қўл келяпти. Шунингдек, 1 октябрга қадар сўнгги русумдаги рентген аппаратини сотиб олиш ҳам мўлжалланмоқда. Олмалиқ, Бекобод ҳамда Ўрта Чирчиқ шаҳар ва туманлари мудофаа ишлари бўлими бинолари капитал таъмирланиб, жиҳозланди.

Таъкидлаш жоизки, чақирилувчилар орасида ўрта махсус ва олий маълумотли, жисмонан ва маънан етук ёшлар сони тобора кўпаймоқда. Ўз-ўзидан аёнки, бу - танловнинг янада қизғин ўтишини таъминлайди.

- Эркин мавзуда иншо ёзиб, тест синовидан ўтдим. Жисмоний тайёргарлигим ҳам яхши баҳоланди, - дейди бўкалик Сардор Омонов. - Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида ўқиганим, олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказиб келинаётган «Универсиада» спорт мусобақаларида қатнашиб, мунтазам спорт билан шуғулланганим ўз самарасини берди.

- Ҳарбий техникага жуда қизиқаман. Шу йил Тошкент автомобил-йўллари институтининг транспорт воситаларидан фойдаланиш факультетини тамомладим, - дейди ўрта чирчиқлик Акбарали Қурбонов. - Омадим келди. Танловда юқори балл тўпладим. Мақсадим ўз йигитлик бурчимни аъло даражада адо этиб, ички ишлар идораларида шартнома асосида хизматни давом эттириш.

Вилоят чақирув-йиғин пунктида ташкил этилган махсус бурчакда чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари аскарларнинг ҳақ-ҳуқуқи, уларга бериладиган имтиёзлар, ҳукуматимиз томонидан ҳарбий қисм ва билим юртларида яратилган қулайликларга доир маълумотларга эга бўлмоқда.

Шу йил баҳорги мавсумда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган пойтахт вилояти йигитларининг 300 нафардан ортиғи олий ўқув юртларига 20 фоизли имтиёз билан ўқишга кириш учун тавсифномалар олишга муяссар бўлган эди. Уларнинг аксарияти юртимиздаги қатор олий таълим даргоҳлари талабаси бўлди. Шунингдек, 73 нафар йигит ҳарбий билим юртлари курсантлари сафига қўшилди.

**(ЎзА)**

---

*Истиқлол берган имкон*

## РАБОТГА ГАЗ КЕЛДИ

Сардоба туманидаги Работ қишлоғи ўзига хос тарихга эга. Бу ерда чўлқуварларнинг бир неча авлоди яшаб ўтишган. Қишлоқнинг чор тарафидан газ қувурлари тортилганига қарийб ярим асрдан ошган. Аммо работликлар бу имкониятдан бебаҳра қолаверди.

Қатор йиллар ушалмаган орзу, истиқлол айёми арафасида ижобат бўлди. "Сирдарёгазтаъминот" ҳудудий корхонаси, Сардоба газ идораси, вилоят ягона инжиниринг компанияси Янгиердаги қурилиш-монтаж участкаси жамоалари саъй-ҳаракати билан бу ерга газ қувурлари тортилди. 300 хонадонли қишлоқ табиат инъомидан баҳраманд бўлди.

- Работни газлаштириш азалий орзуимиз эди, - дейди оқсоқоллардан бири. - Аммо шўро даврида бунинг уддасидан чиқилмади. Одамлар газ деб югирмай ҳам қўйишганди. Истиқлол шарофати, ҳукуматимиз эътибори туфайли хонадонларимизда маъмурчилик рўй берди.

Сирдарё вилоятида чекка ҳудудларни газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашга амалдаги йилда жиддий киришилганлигини эътироф этиш керак. Йил бошида режалаштирилган ишларнинг аксарияти амалга ошди. Оқ олтин тумани Шодлик қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Найман қишлоғи ҳам худди Работ сингари орзуси ушалмасдан келаётган ҳудуд эди. Туман мутасаддилари саъй-ҳаракати билан уч минг метрлик масофага газ қувурлари ётқизилиб, давлат маблағи ҳисобидан газ иншооти барпо этилди.

- Таъкидлаш жоиз, туманимизда газ ва тоза ичимлик суви масаласида қатор муаммолар бор эди, - дейди Оқ олтин туман ҳокимлиги бош мутахассиси Зуҳриддин Пазлиев. - Амалдаги йилда аҳоли турмуш тарзини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган фурсат Фарғона қишлоғига 36 километрлик сув қувурлари тортилиб, тоза булоқ суви етказиб берилди. Бўстон, Мардон қишлоқлари табиий газ билан таъминланди. Айни чоғда битта қишлоққа газ бормаган. Ана шу ҳудудни ҳам ҳукуматимиз яратаётган имтиёз билан қамраб олиш чора-тадбирлари кўрилаяпти.

Тоза сув — саломатлик кафолати. Бу эҳтиёжни тўлароқ қондириш мақсадида вилоят ҳокимлиги эрта кўкламданоқ бунга эътибор қаратди. Хусусан, шу йилнинг 30 мартдаги махсус фармойишига асосан ҳудуддаги ичимлик суви тармоқлари тик қудуқларни таъмирлаш ва ишга тушириш, зарур жиҳозларни харид қилиш учун маҳаллий бюджетдан 57 миллион сўм ажратилди.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

## МУЗЕЙНИНГ БОЙ ЭКСПОЗИЦИЯСИ

***Бундан 35 йил аввал Тошкент шаҳрининг марказида бу кўркам ва ҳашаматли бино қурилган эди. Шарқона меъморий лойиҳа бўйича қад кўтарган мазкур кошонада эндиликда Ўзбекистон фанлар академиясининг Ўзбекистон халқлари давлат музейи фаолият кўрсатмоқда.***

Икки қаватда жойлашган музей бўлимларидан ўн мингга яқин нодир ҳужжатлар, фото материаллар ўрин олган. Бу ерда илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилмоқда. Бу изланишларнинг аксарияти илмий тўпламлар ҳам чоп этилди. Кейинги йилларда ўтказилган илмий экспедиция материаллари эса янги экспозицияда ўз аксини топди.

**А.АЛИЕВ**



Гулистон тумани марказий шифохонаси клиник-диагностика бўлими катта лаборанти Холида Маматқулова салкам чорак асрдан буён лаборатория ҳамшираси бўлиб ишлайди. Ўттиздан ортиқ шогирдлар тайёрлаган. Мустақилликнинг 14 йиллиги арафасида Х.Маматқулова кўп йиллик самарали меҳнатлари учун «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

---

*Эл ардоқлаган кишилар*

## БАХТЛИ ОНЛАР ШУКУҲИ

***Жиззах шаҳрининг "Наврўз" маҳалласида бундан ўн олти йил бурун бир чақалоқ дунёга келди. Ота-оналари унга Юлдуз дея исм қўйишди. Ўз иқтидори ва истеъдоди билан туғилган экан, оила-аъзолари орзу қилганидай фарзанд вояга ета бошлади. Отаси таниқли шахмат устаси Ойбек Ҳамроқулов изидан бориб, кам бўлмаяпти. Беш ёшидаёқ шахмат доналарини суриб, яхши ўйин кўрсата бошлади. Вилоят шахмат мусобақаларида қатнашиб, 9 ёшида ғолиблик нашидасини сурди.***

Юлдуз Ўзбекистон биринчилиги ғолиби сифатида Испанияда ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этиб, юқори ўринни эгаллаганда, эндигина 12 ёшни қаршилаётган қизалоқ эди. Ўшанда жаҳон биринчилигида 11 имкониятдан 7,5 очко тўплаб, барчани лол қолдирган эди.

Шу-шу Юлдуз эл назарига тушди. Айниқса, республикамиз Президенти эътиборига тушиб, магнитафон билан тақдирланиши ҳали-ҳануз унинг ёдидан кўтарилгани йўқ. У бундай ғамхўрликдан бениҳоя фахрланиб, яна ва яна ғалабага интилди. Ва бунга эришмоқда ҳам. "Иссиққўл-2000"шахмат фестивалида бронза медали соҳиби бўлди. 2002 йили МДҲ мамлакатларининг Москвада бўлиб ўтган биринчи ёшлар ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, фахрли ўринни олишга муваффақ бўлди. Яқинда Франциянинг Белфорд шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида фахрли учинчи ўринни қўлга киритди. Етти имкониятдан 5,5 очко тўплади.

2001 йили Ҳиндистоннинг Биканор шаҳрида ўтказилган Осиё биринчилиги Юлдузга яна омад келтириб, бронза медали билан тақдирланганди.

- 2001 йилнинг 9 феврали эди. Гроссмейстер Рустам Қосимжонов билан шахмат ўйнадим, - дея эслайди Юлдуз. - Жаҳон чемпиони Рустам ака вилоятимизга келиб, бир йўла 34 нафар шахматчига қарши дона сурди. Шунда қатнашчилардан 2 киши дуранг натижага эришди. Шулардан бири мен эдим.

Гроссмейстер Рустам Қосимжоновнинг оқ фотиҳаси бўлдими, Юлдуз Ватанимиз ифтихорига айланди. Мамлакатимиз байроғини чет элларда баланд кўтарган умидли ёшлардан. Республикамиз Президенти Фармони билан мустақиллигимизнинг 14 йиллиги байрами арафасида унга "Шуҳрат" медали берилди. Бу олий мукофот эндигина ўн олти ёшни қаршилаётган Юлдуз Ҳамроқуловага янада ғалаба, бахт-омад келтириши шубҳасиз.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

*Касаба уюшмалари ва йиғим-терим*

## ЯХШИ ШАРОИТ – УНУМЛИ МЕҲНАТ

Туманимиз янги мулк шаклига ўтгач, 2168 та фермер хўжаликлари ташкил этилиб, уларга 26 минг 627 гектар ер ажратиб берилди. Фермерларнинг 1 минг 828 таси пахтачилик билан шуғулланмоқда.

Чўл шароитида деҳқончилик қилаётган пахтакорлар жорий йилда 48 минг 700 тонна ўрнига 70 минг тонналик «Оқ олтин» хирмонини бунёд этишга аҳду-паймон қилишган. Дала меҳнаткашларига қулай шароит яратилганлиги, моддий манфаатдорлик ошганлиги муваффақиятни таъминламоқда. Туманимиздаги «Миролим», «Жаҳонгир», «Хўжаёр ота», «Суннат бобо» фермер хўжаликлари шартнома режасини бажариб, ҳосилдорликни гектар бошига 35-40 центнерга етказдилар.

Яхши шароит – унумли меҳнат. Буни ҳисобга олиб хўжалигимизда далаларида пахта тераётган теримчи ва ҳашарчиларга ғамхўрликни кучайтирганмиз. Иш ҳақи беш кунда даланинг ўзида бериб борилятпти.

Дала шийпони кўнгилли ҳордиқ чиқарадиган масканга айлантирилган. Ям-яшил дарахтлар билан ўралган кўркам оромгоҳда хотин-қизлар учун алоҳида хоналар, тиббиёт пункти мавжуд. Ишдан кейин ювиниш учун шароит яратилган. Маънавият-маърифат хонасида газета-журналларнинг янги сонларини олиб ўқиш мумкин. Далада ишлаётганлар радио эшитиб, «зангори экран» кўрсатувларини мириқиб томоша қиладилар. Ҳашарчиларга ҳар куни икки маҳал мазали таомлар тайёрлаб берилади.

Яратилган шароитдан руҳланган теримчилар ва Қарши тиббиёт коллежидан келган ҳашарчилар иш суръатини тобора оширмоқдалар.

Шийпондаги қулайликлар, меҳнатнинг муносиб рағбат топганлиги, теримчиларга моддий ва маънавий ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги уларни етиштирилган мўл ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишга чорламоқда.

**Ҳ.БЕРДИЕВ,**
**Нишон туманидаги «Тарагай-Баҳодир» фермер хўжалиги раҳбари**

*Бугуннинг гапи*

# МАЪНАВИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ

## иқтисодий ютуқларга эришиш омили

Президентимизнинг Маънавият ва маърифат соҳасидаги ислоҳотларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш ҳақидаги Фармони, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг шу мақсадга йўналтирилган қарорларини бажара бориб Тошкент вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгаши бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Касаба уюшмалари жамиятни маданий-маърифий янгилаш, юксак ахлоқийлик, одамларда қадр-қиммат туйғусини ва жамият тараққиётининг асосини ташкил этувчи соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун барча имкониятларни ишга соляпти. Зеро, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тизимида юз бераётган туб янгиланиш, жамиятда қарор топаётган янгича ишлаб чиқариш муносабатлари, миллий қадриятларимиз ҳамда маънавиятимизни тиклаш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш билан боғлиқ вазифалар касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини янгича мазмун билан бойитишни тақозо этмоқда.

Аъзолар ўртасида маданий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, спорт тадбирларини ўтказиш одат тусига кирган. Корхона, ташкилот ва хўжаликларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар ўртасида бадиий ҳаваскорлик, адабиёт ва санъат соҳасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг лауреатларини саралаш бўйича «Ўзбекистон - Ватаним маним» шиори остида кўрик-танловлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Меҳнаткашларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавий онгини ошириш мақсадида вилоятнинг барча ҳудудларида ўқув семинарлари ташкил этилди. Уларда «Маънавий-маърифий соҳадаги муаммолар ва уларни ҳал этишнинг устувор йўналишлари», «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда касаба уюшмаларининг ўрни» мавзуларида маърузалар эшитилди. Лекин шу билан бирга барча тармоқларда, айниқса қуйи бўғинларда бу борадаги ишлардан тўла қониқиш ҳосил қилиш қийин. Кўпгина корхона ва ташкилотларда маданият муассасалари фаолиятини яхшилашга чуқур ёндошмаслик, қолаверса ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳолатлари мавжуд. Бу борадаги муаммоларни ижобий ҳал этиш, уларнинг бундан кейинги равнақи масалалари тармоқ касаба уюшмалари вилоят, туман кенгашларида, бошланғич қўмиталари йиғилишларида мунтазам муҳокама этилмаяпти. Жамоа шартномалари бандларига киритиш орқали маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ сарф-ҳаражатлар иш берувчилар маблағидан амалга оширилиши ижобий ҳал этилмаяпти. Бунинг натижасида ўтказилаётган маданий тадбирлар умумхалқ байрамларини нишонлаш билан чекланиб қолмоқда.

Ҳар бир корхона, ташкилот ҳамда муассасада «Маънавият ва маърифат» хонаси ташкил этиш ҳозирги куннинг муҳим талабидир. Лекин, айрим ташкилотларда ушбу ўта муҳим масалага эътиборсизлик билан қаралмоқда. Зангиота босмахонаси, Юқори Чирчиқ туман газ ташкилоти, Бекобод шаҳар 9-автобус парки, соғлиқни сақлаш муассасаларига тегишли Пскент ва Янгийўл туманларининг марказий касалхоналарида мана шундай ҳолатни учратиш мумкин.

Маълумки, тадбирларни ташкил этишда маданият саройлари ва уйлари, клублар ҳамда кутубхоналар имкониятига суянилади. Лекин, кейинги йилларда касаба уюшмаларига қарашли тарғибот учун ўта қулай бўлган бундай масканлар сони камайиб кетди. Натижада бир вақтлар ҳашаматли қилиб қурилган бинолар ҳозирда ҳувиллаб ётибди. Уларни сақлаб қолиш, фаолиятини янада жонлантириш учун хўжаликларнинг маблағи етишмайди. Биз шуни аниқ биламизки, маданият муассасалари қайси ташкилотга қарашидан қатъи назар, улар меҳнаткашларнинг маънавий-маърифий эҳтиёжларини қондириш, юксак маданиятли инсонларни камол топтириш учун хизмат қилиши зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида боқимандалик кайфиятидан қутулиб, тадбиркорликнинг турли йўлларини излаб топиш зарур. Вилоятда мана шундай йўл тутган корхоналар кўплаб топилади. «Олмалиқ кон-металлургия комбинати», «Ўзметкомбинат», «Аммофос», «Электрокимёсаноат» корхоналарнинг маданият масканлари ҳақида шундай илиқ гапларни айтиш мумкин.

Мавжуд кутубхоналарни мустақиллик йилларида чоп этилган бадиий адабиётлар билан бойитиш, шу орқали кўпроқ китобхонларни жалб этиш муҳим вазифалардан. Кейинги йиллар давомида вилоят бўйича кутубхоналарга 12 минг нусха китоб олинди. Бу мақсад учун касаба уюшмалари ташкилоти ҳисобидан 4 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Лекин, афсусланарли жойи шундаки, «Чирчиққишлоқмаш» акциядорлик жамияти, «Бекободцемент», «Тўйтепаметалл» қурилмалари корхоналарининг кутубхоналарига кейинги йилларда бирорта янги китоб харид этилмаган.

Давр маънавият ва маърифат соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва самарадорлигини ошириш, миллий истиқлол мафкурасини меҳнаткашлар онгига сингдиришни, маданият, жисмоний тарбия ва спортни кенг омма ўртасида ривожлантиришни тақозо этмоқда.

**Н.РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



## ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИ

Хонободдаги Ўзбекистон – Россия "Андижонкабел" қўшма корхонасида қалинлиги саккиз миллиметр бўлган мис симлар ишлаб чиқарилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки бу маҳсулот аввалари хориждан келтириларди. Эндиликда эса корхонанинг ўзида бир кеча-кундузда ишлаб чиқарилаётган мис сим ҳажми 15 тоннадан зиёдроқни ташкил этмоқда.

Янги ишлаб чиқариш линиясини ташкил этиш учун қўшма корхонага Финляндиянинг "Outokumpu" компаниясидан технология линиялари ҳамда "Upcast" русумли станоклар келтирилди. Корхона мутахассислари Финляндияда малака оширишди. Янги цехни ишга тушириш маросимида вилоят раҳбарлари, Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари, "Самаракабел" акциядорлик компанияси директорлар кенгаши аъзолари ва финляндиялик меҳмонлар иштирок этишди.

"Андижонкабел" қўшма корхонаси 2002 йилнинг охирида хорижий инвестор иштирокида ташкил этилган. Ҳозирги вақтда корхона сигнализация, станция, телефонлар учун симлар, шунингдек катта кучланишларга чидамли сим ва автотрактор, автомобил симлари, алюминий сим, халқ истеъмолига мўлжалланган турли турдаги симларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

**«Туркистон-пресс»**



Янгиариқ туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалигида инфратузилмани шакллантириш, маданий-маиший, спорт объектларини ишга туширишга катта аҳамият берилмоқда. Яқинда хўжалик ўз маъмурий биносини қишлоқ врачлик пунктига бўшатиб бериб, уни таъмирлаш ва замонавий жиҳозлашга ёрдам кўрсатди. Қўриқтом қишлоғидаги ташландиқ бино «Махсум» фермер хўжалиги томонидан таъмирланиб ва тўла жиҳозланиб, спорт мажмуига айлантирилди. Шунингдек, Қўриқтом қишлоғида 3,5 километр газ қувурлари қайта ётқизилди. 8 километр газ қувурларини хўжалик кучи билан янгилаш режалаштирилмоқда.

Хўжалик ҳудудидаги 8 километр ичимлик суви тармоғини таъмирлаш кўзда тутилмоқда. Ҳududдаги спорт залида хўжалик ёрдами билан 8 миллион сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилди, 5- мактабга 5,5 миллион, Ойбек номли мактабга 1,5 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Хўжаликда ишловчиларни ва пахта йиғим-теримида қатнашаётганларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

***Суратларда: пахта йиғим-теримидан лавҳалар.***
**И.ҲАСАНОВ олган суратлар**

## БОЛАЛАР БОҒИ КЕНГАЙМОҚДА

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан замонавий тарзда тубдан қайта таъмирланаётган Қарши болалар истироҳат боғида тирик табиат бурчаги ташкил этилди. Болаларнинг она табиат, унда яшайдиган жонзотлар тўғрисидаги тасаввурларини бойитиш мақсадида барпо этилган ўзига хос кичик ҳайвонот боғида ҳозирги вақтда қирқдан зиёд турдаги ёввойи ҳайвон ва парранда сақланмоқда.

- Истироҳат боғлари одамларнинг нафақат ҳордиқ чиқариши учун хизмат қилади, балки улар фарзандларимизни табиатга ошно этувчи маънавият ўчоғи ҳамдир, - дейди истироҳат боғи директори Рустам Ражабов. - Юбилей муносабати билан бошланган қайта лойиҳалаш ва реконструкция ишлари жараёнида боғда мана шундай муҳит яратишга алоҳида эътибор берилди.

Боғдаги бунёдкорлик ишлари ҳали давом этмоқда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан боғ ҳудуди яна икки гектарга кенгайтирилади ва бу ерда одамларнинг дам олишига мўлжалланган тинч ва осуда ландшафт барпо этилади.

Бундан ташқари, болалар соғломлаштириш мажмуасига яна тўртта энг замонавий аттракцион ўрнатилади. Кўркам ва мўъжазгина қилиб қурилган шахмат-шашка павильони, қарийб бир гектар майдонни эгаллаган сузиш ҳавзаси, ёшлар кафеси ва музқаймоқ дўкончалари айни пайтда болажонлар билан гавжум.

## ЯНГИ МЕҲМОНХОНА

Вилоят марказида фаолият юритаётган хусусий меҳмонхоналар сафига «Умар Хайём» ҳам қўшилгач, улар сони 37 тага етди. Минораи калон, Тоқи заргарон обидалари, Улуғбек ва Абдулазизхон мадрасалари яқинида барпо этилган 42 ўринли мазкур меҳмонхона биноси замонавий ва кўҳна шарқ меъморлиги анъаналарини ўзида мужассам этган.

- Меҳмонлар учун барча қулайликлар яратилган, - дейди меҳмонхона раҳбари Комил Ниёзов. - Хоналар замонавий жиҳозлар, алоқа воситалари билан таъминланган. Ресторанимизда миллий ва Европа таомлари тайёрланади.

Авиа ва темир йўл чипталарини ҳам шу ернинг ўзидан харид қилиш мумкин. Меҳмонхона ходимлари мижозларни аэропорт ва поезд шоҳбекатида кутиб олиб, кузатадилар. Сайёҳларга Бухоронинг қадимий обидаларини томоша қилиш пайтида ўзбек, рус, инглиз ва бошқа хорижий тилларни мукаммал биладиган мутахассислар ҳамроҳ бўлади.

**(ЎзА)**

## МАҲСУЛОТ СИФАТЛИ БЎЛСА...

Фурқат туманидаги «Ишонч» номли очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқариш дастгоҳларининг замонавийларига алмаштирилганлиги, бошқарув тизими янгича шаклланганлиги боис иш суръати йилдан-йилга ортмоқда. Қувонарли жиҳати шундаки, бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 50-60 фоизи экспорт қилинади. Жамоада жорий йилда маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, унинг 70-75 фоизини хорижга сотиш режалаштириляпти. Бунинг учун куч ҳам, имконият ҳам етарли.

– Иш унуми юқори, маҳсулот сифатли бўлиши авваламбор ишчи кайфиятига боғлиқ, - дейди жамият бошқаруви раисининг ишлаб чиқариш бўйича муовини Икромжон Орипов. – Шунинг учун бизда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий рағбатлантириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Бу ерда меҳнат қилаётган 825 нафарга яқин ишчи-хизматчиларнинг 630 нафарини аёллар ташкил қилади. Уларни жамоа шартномаси асосида ишлашлари, кўнгилли дам олишлари учун етарлича шароитлар яратиш мақсадида корхона касаба уюшма қўмитаси қатор ишларни амалга ошираётир.

Корхонада 14 хилдаги калава ишлаб чиқарилмоқда. Бир кунда эса 12 тонна ип тайёрланади. Ўртача иш ҳақи 48 минг сўмни ташкил қилади. Ишчилар учун барча қулайликлар яратилган. Транспорт бепул. Ошхона мунтазам ишлаб турибди. Ҳиссадорлик жамиятининг 100 ўринли боғчаси 2 сменада ишлайди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича олиб борилаётган тадбирларга ҳам жиддий эътибор қаратилаётир. Касаба уюшма саъй-ҳаракати билан корхонада иш берувчи томонидан меҳнат шартномасининг ноқонуний бекор қилиниши ҳоллари рўй бермади. Шунингдек, ишчилар малакасини ошириш ҳамиша диққат марказида. Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси ишларини кучайтириш, «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури доирасида тадбирлар уюштиришга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

**С.АГЛАЕВА,**
**«Ишонч» мухбири**

*Тадбиркорлик- давр талаби*

# КАРМАНА ФЕРМЕРЛАРИ

***Мустақиллик йилларида тадбиркорликка, хусусан фермерликка кенг йўл очилди. Кейинги вақтларда қабул қилинган қонунлар, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари фикримизнинг яққол далилидир. Бунинг натижасида жойларда фермерлик ҳаракати кун сайин ривожланмоқда.***

Ҳозирги кунда Кармана туманида 706 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 520 таси деҳқончилик, 86 та чорвачилик, 132 таси боғдорчилик-узумчилик билан шуғулланади. Қолганлари бошқа соҳаларга йўналтирилган. Уларга жами 14 минг 568 гектар экин майдони ажратиб берилган.

– Кам рентабелли ширкатларни фермер хўжаликларга айлантириш кейинги йилларда авж олди, – дейди туман фермерлар уюшмаси раиси Ҳамид Норбўтаев. – Масалан, 2001 йил А.Навоий номли ширкат ҳудудида 100 дан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил этилди. 2002 йилда «Кумушкон», 2004 йилда Ибн Сино номли ва «Жалоир» ширкатлари тўла фермер хўжалигига айлантирилди. Уларнинг асосий қисми ўтган йилларни фойда билан якунлашди. Шу йил қишлоқ мулкдорлари ғалла бўйича режани 102 фоизга бажаришди. 7525 тонна ўрнига 7668 тонна ғалла топширилди. Ҳосилдорлик ўртача 38 центнерга етказилди. Айни кунларда фермерлар пахта йиғим-теримини жадал суръатларда олиб боришмоқда. Дарвоқе, туманда ғалланинг 70 фоизини, пахтанинг 64 фоизини фермерлар етиштиришмоқда.

Ҳаммага маълумки, Навоий вилояти, хусусан Кармана тумани бошқа жойлардагига ўхшаб серҳосил эмас. Шунга қарамасдан бу ерда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги режалар ошириб бажариб келинмоқда. Мисол учун, «Иброҳим-Ҳасан» фермер хўжалигининг бу йилги ғалла режаси гектарига 32 центнер эди. Ҳақиқатда эса у ҳосилдорликни 56 центнерга етказди. Натижада 24 тонна дон фермернинг ўзига қолди.

«Малик чўл» зонасида ер ҳосилдорлиги паст. Шундай бўлса-да, Маҳаммадали Исмоилов бошлиқ фермер хўжалиги ғалла майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан хирмон кўтарди. 135 тонна дон ишлаб чиқарилди. Режа 114 тонна эди. Фермер 178 гектар майдонда пахта етиштирди. Айни чоғда далаларда ҳосил мўл етиштирилган. Теримчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Мақсад етиштирилган «оқ олтинни» ёғин-сочин кунларига қолдирмасдан йиғиштириб олиш.

Жумақул Саидов 1995 йилда «Ўзбекистон» фермер хўжалигига асос солди. Ҳозирги кунда унинг 50 гектар ери бор. Шундан 23,3 гектари ғалла, 24,7 гектари пахта майдони. Қолгани сабзавот ва мевачилик. Фермер жорий йилда 53 тонна дон етиштиришга эришди. Режадан ортганини 25 нафар ишчига тарқатилди. Сувчиларга 1,5, бошқа аъзоларга эса 800 килограммдан дон тегди. Қишлоқ мулкдори 1998 йили яхши ният билан тегирмон сотиб олганди. Ҳозирги кунда фермер аъзолари ана шу тегирмонда ўзларига тегишли донни унга айлантириб олишмоқда. У Дўрмон қишлоғидаги 2 та кам таъминланган оилага доимий ёрдам бериб келади. Хусусан, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари, мавсумда эса буғдой билан таъминлайди. Бундан ташқари, у тумандаги 3-ўрта таълим мактабини оталиққа олган. Ҳар йили мактаб таъмири, ўқувчиларни дарслик ва ўқув қуроллари билан таъминлашда яқиндан ёрдам беради.

**Ғ.ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Қўшма корхоналар хориж ишончи*

# ОЛТИАРИҚ ТАМҒАСИ БИЛАН

Олтиариқ туманида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон-Германия-Украина ҳамкорлигидаги "Олтин сут водийси", "Соя интер инвест" қўшма корхоналари тамғаси билан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган қуруқ сут, қуюлтирилган сут, ёғли сут, творог сингари маҳсулот турлари нафақат Фарғона водийси вилоятлари, балки мамлакатимиз пойтахти ва Бухоро вилоятларидаги мижозларга ҳам манзур бўлмоқда. Гап шундаки, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари ўзининг сифати, ташқи кўриниши, қолаверса, нархининг арзонлиги билан ҳам харидоргир. Чет эл инвестицияси асосида барпо этилган корхонага хорижий ишбилармонларнинг қизиқиши катта бўлмоқда.

Ишни ташландиқ жойда бошлаган соҳа тадбиркори Иброҳимжон Саидохунов Ўзбекистонда биринчи бўлиб, сутни қайта ишлашга ихтисослашган сут қуритиш тармоғини ишга туширди. Ўз устида изланган, замонга ҳамнафас бўлган ишбилармон аввало, туман ва атрофдаги хомашё етказиб берувчиларнинг имкониятларини пухта ўрганиб чиқди. Зеро, ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг асосида хомашё туриши бугун барчага аён. Шу боис, мутасаддиларнинг саъй-ҳаракатлари билан туман ва қўшни туманлардаги ширкат, фермер ва аҳолидан сут маҳсулотини қабул қилувчи 15 та шаҳобчалар иши йўлга қўйилди, 1 километр электр энергияси, 250 метр газ қувурлари тортилди, эски кўприк тикланди, сув насослари таъмирланди. Буларнинг барчаси корхона ва маҳалла корига ярамоқда. Украина, Германия, Россия сутни қайта ишлаш дастгоҳлари бир кеча- кундузда 25 тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга. Янги ишлаб чиқариш тармоғининг ишга тушиши натижасида 30 нафардан ортиқ маҳаллий ёшлар кафолатли иш ўринлари билан таъминланди. 750 нафардан ортиқ ишчи эса меҳнат бандлиги шартномаси асосида уй шароитида ишлашмоқда.

Янги корхонанинг истиқболи порлоқ. Чунки, корхона хомашё етказиб берувчи ва тайёр маҳсулотларини сотиб олувчи ўз мижозларига эга. Ҳолбуки, вилоятдаги йирик сутни қайта ишлаш корхоналари айнан хомашё тақчиллиги ва уларнинг етишмаслиги сабабли иқтисодий таназзулга юз тутаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу ерда эса, ҳар икки томон манфаатлари ўрганиб чиқилган. Хомашёлар аввало сифатига, қолаверса, бозор нархига қараб баҳоланади. Бу борадаги ишларда хомашёни етказиб берувчилар ва қайта ишловчилар ҳам "куйиб" қолмаслигига катта эътибор қаратилган.

Қолаверса, ишбилармонлар саъй-ҳаракати туман ҳокими Абдулҳамид Абдуллаев томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бундан ташқари вилоят ҳокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бошқармасининг соҳа ривожидаги ўрни катта бўлмоқда. Сабаби, сармоядорлар ўз маблағлари ҳисобига янги қувватларни ишга тушириш билан бирга, ёшлар учун янги иш ўринлари ҳам яратаётгани айни муддао. Корхонада ўртача ойлик маошлар 60 минг сўмни ташкил қилади, уч маҳал иссиқ овқат бериш йўлга қўйилган.

Бозор талаблари асосида одимлаётган корхона жаҳон андозасига мос бўлган маҳсулот турлари ишлаб чиқариш борасида изланишлар олиб бормоқда. Бу ерда, дуккакли экин-соядан қуритилган сут ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Ички ва ташқи бозорда ушбу маҳсулотга бўлган талаб катта. Хусусан, маҳсулот таркибида қанд моддасининг йўқлиги аксарият ҳолларда, қандли диабет касалликларини даволаш, ёш гўдакларни озиқлантириш, музқаймоқ ва витаминларга бой нон маҳсулотларини тайёрлашда жуда қўл келади. Айни кунда, корхонада яна бир маҳсулот-нўхатдан ҳам қуруқ сут ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Бу маҳсулотнинг ўзига хос жиҳати шундаки, нўхат сути ёрдамида тайёрланган нон маҳсулотлари ўзининг хуштаъмлиги, юмшоқлик ва тўйимлилик даражасининг юқорилиги билан алоҳида ажралиб туради.

— Айни кунда Риштон туманида сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи йирик корхона қурилишини бошладик,—деди "Туркистон-пресс" мухбирига корхона таъсисчиси Иброҳимжон Саидохунов.— Янги тармоқ "Соя интер инвест" корхонаси томонидан бунёд этилиб, замонавий ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланади. Кунига 60 тонна сутни қайта ишлаб қуруқ сут, қуюлтирилган сут тайёрлаб беришга ихтисослашган корхона қурилиши учун вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси 150 миллион сўм маблағ ажратди. Бундан ташқари, вилоят Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамғармасининг амалий ёрдамлари катта бўлмоқда. Бу ерда қуруқ сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан ташқари, майда идишларга қадоқланган сут маҳсулотлари ҳам тайёрлаб берилади. Янги ишлаб чиқариш тармоғининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, маҳсулот тайёрлашда ҳосил бўлган иссиқлик атроф ҳудуддаги кўп қаватли уйларни иссиқ сув билан мунтазам таъминлаш имкониятини ҳам беради. Қолаверса, юзлаб ёшлар янги касб сир-асрорларини ўрганишади. Янги корхона вилоятдаги бошқа турдош тармоқларнинг маҳсулотларини ҳам қайта ишлаб қуруқ сут ҳолида етказиб бера олади. Бу мазкур корхоналарнинг тўхтовсиз ишлашига имкон яратади. Ишлаб топган даромадларимизнинг беш фоизини Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамғармасига ҳамкорликдаги ишларга ажратиб берамиз. Шунингдек, Фарғона туманидаги Аввал қишлоғида ўзимизда тайёрланган хом ашёлардан музқаймоқ, сметана, творог, бринза, ёғли сут маҳсулотларини махсус қадоқланган идишларда ишлаб чиқариш борасида амалий ишлар олиб боряпмиз. Шу ўринда бир нарсага эътибор қаратсак. Аҳолига арзон нархдаги сут маҳсулотлари етказиб бериш мақсадида Шоҳимардон сойидан келаётган сувдан фойдаланиб сутни совутиш ва сақлаб туришни йўлга қўйдик, бу аввало электр энергиясини тежаш билан бирга маҳсулотнинг экологик тозалигини таъминлайди. Ишлаб чиқаришдан олган даромадларимизнинг асосий қисмини янги тармоқларни ривожлантириш, ишчиларни ижтимоий муҳофазасини яхшилаш, маҳаллалар ободлиги йўлида сарфлашга ҳаракат қиляпмиз. Ҳозирги кунда Ҳамза шаҳридаги "Пропарка" маҳалласини ўз оталиғимизга олиб бу ерга тоза ичимлик суви, газ, электр энергияси тортиб бердик. Ҳудуддаги умумтаълим мактабларининг қурилиш-ободончилик ишларига баҳоли-қудрат ёрдам кўрсатаяпмиз.

## РЕЖА БАЖАРИЛДИ

Ўзбекистон Қаҳрамони Азим Латипов раҳбарлик қилаётган «Бухоро» ширкат хўжалиги асли ғаллачиликка ихтисослашган. Жамоа бу йил дон ҳосилдорлигини ўртача 70 центнерга етказиб, юқори кўрсаткичга эришди. Шофиркон туманининг чўл ҳудудида жойлашган бу хўжалик деҳқонлари пахтачиликда ҳам яхши натижаларга эришмоқда.

«Бухоро» ширкат хўжалиги вилоятда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартнома режасини ошириб бажарди. Қабул масканларига 530 тоннадан зиёд юқори навли саноат хомашёси етказиб берилди. Ҳосилдорлик 35 центнерни ташкил этди.

## ҲОСИЛ ҚАЙТА ИШЛАНМОҚДА

Тошкент вилоятидаги пахтани қайта ишлаш корхоналари янги ҳосилни қабул қилиш ва уни қайта ишлашни бошлади. Жорий йилда йигирма минг тонна хомашё қабул қилишни режалаштирган Чиноз пахта тозалаш корхонасида ҳам иш қизғин давом этмоқда.

- Корхонамизда режада белгилангандан кўра кўпроқ пахтани қайта ишлаш имконияти яратилди,- дейди корхона раҳбари Абдулла Назаров. - Бу кенг кўламда амалга оширилган таъмирлаш ишларининг натижасидир. Учта тайёрлов пункти, тарозихона, лаборатория ва қайта ишлаш цехларидаги ускуналар тубдан таъмирланди.

Бу йил 256 та фермер хўжаликлари билан шартнома тузганмиз. Фермерлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Улар учун мавсумга керакли барча воситалар етказиб берилди. Фермерларимизнинг кўпчилиги шартнома мажбуриятларини бажариб бўлди.

## ТЎРТ ТУМАН - МАРРАДА

Қорақалпоғистон пахтакорлари кун сайин терим суръатини оширмоқда. Буни мураккаб иқлим шароитида ҳосил етиштириб, давлатга пахта сотиш шартнома-мажбуриятини бажарган тўрт туман деҳқонларининг азму шижоати ҳам кўрсатиб турибди.

Устюрт кенгликларига туташ Қўнғирот тумани деҳқонлари қабул масканларига 5 минг 600 тонна юқори навли хомашё етказиб берди. Туманда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор муваффақиятнинг бош омили бўлди. 320 фермер хўжалиги белгиланган режани ортиғи билан уддалади. Айниқса, «Яхшим Алатай», «Жумабоев Нурбол», «Хўжа Гулимбет тўра», «Султонов Бозорбой» сингари фермер хўжаликлари бу ғалабага салмоқли ҳисса қўшди.

Тўрт минг гектардан ортиқ майдонда ғўза парваришлаган Қораўзак тумани деҳқонлари 5 минг 250 тонна, Қонликўл тумани пахтакорлари эса 4 минг 200 тонналик хирмон бунёд этди.

Қорақалпоғистоннинг энг чекка тумани - Тахтакўпирда ҳам бу йил мўл ҳосил етиштирилди. 3 минг гектарга чигит қадаган туман миришкорлари тўрт минг тоннадан ортиқ ҳосил топшириб, шартнома-мажбуриятини бажарди.

Тадбир

# ҲАМ БАҲС, ҲАМ ҲОРДИҚ

***Спорт соғлом турмуш тарзининг бир бўлаги бўлиши билан бирга инсонни ақлан камолотга етказувчи омил ҳамдир. Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши томонидан тармоқ меҳнаткашлари ўртасида ўтказилган спартакиада ўз мазмун-моҳияти билан ана шу мақсадга хизмат қилди.***





Тошкент вилоятининг сўлим тоғ ёнбағрида жойлашган «Чотқол» сиҳатгоҳи мусобақалар ўтиш жойи сифатида танлангани бежиз эмас. Хушманзара табиат қўйнида иштирокчилар ҳам куч синашишди, ҳам яйраб ҳордиқ чиқаришди. Бу ерда уларнинг ҳар бир кунини мазмунли ўтказишлари учун барча шароит яратиб берилди.

– Ажойиб масканга спорт тадбири жуда ярашди, – дейди қорақалпоғистонлик Гулзор Турганбоева. – Мусаффо ҳаводан танангиз баҳра олса, атрофдаги гўзалликдан дилингиз яйрайди. Қолаверса, дам олувчилар учун яратилган имкониятни айтмайсизми! Бунинг учун ташкилотчилардан чексиз миннатдормиз. Қанийди, бу каби тадбирлар тез-тез ўтказиб турилса. Биз меҳнаткашларнинг соғлом ва тетик бўлиб, иш унумимизнинг янада ортишига ҳисса қўшади.

Қатнашчилар енгил атлетика, стол тенниси, стритбол, шоҳмот ва шашка турлари бўйича ўзаро баҳс олиб бордилар. Кескин курашларга бой бўлган мусобақаларда ёш йигит-қизлар, аёллар ва болалар ўзгача кўтаринкилик билан фаоллик кўрсатишди. Баҳслар якунига кўра енгил атлетика бўйича эркаклар ўртасида I ўрин хоразмлик Равшан Бекжонов, II ва III ўринлар бухоролик Бекзод Ашуров ҳамда фарғоналик Улуғбек Аҳмадқуловларга насиб этди. Енгил атлетикачи аёллар ичида андижонлик Гуля Аблякулова, сурхондарёлик Людмила Нейман ва Феруза Абликулова ғолиб ўринларни забт этишди. Стол тенниси мусобақаларида эса Наманган вилояти вакили Одил Холмуродов эркаклар гуруҳида биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Андижон вилоятидан Дилшод Холиқов ва фарғоналик Мамасутдин Ҳусаинов кейинги ўринларни қўлга киритишди. Андижон вилояти вакили Нилуфар Солиева аёллар ўртасида мутлақ ғалабага эришди. Венера Жуманиёзова (Хоразм) ва Марвара Арипова (Фарғона) кейинги ўринлар соҳиби бўлишди.

Стритбол баҳслари жуда қизиқарли кечди. Иштирокчилар бу спорт турини анча ҳадисини олганликлари кўриниб турарди. Мурosасиз баҳсларда омад наманганликларга кулиб боқди. Сурхондарё вилояти ва Навоий вилояти стритболчилари кейинги поғонадан жой эгаллашди.

Ақлни чархловчи ўйин – шоҳмотда эркаклар ўртасида наманганлик Э.Қамбаров барча рақибларини мағлуб этди. Тошкент вилояти вакили С.Тагиев ва Сурхондарёдан А.Қонимов кейинги ўринларни баҳам кўришди. Аёллар баҳсида эса кучли учлик андижонлик У.Умарова (I ўрин), навоийлик Н.Ҳайдарова (II ўрин), сурхондарёлик Г.Пиримқулова (III ўрин)лардан ташкил топди. Шашка мусобақаларида эркаклардан бухоролик Истам Ашуров – биринчи, жиззахлик Ғайрат Султонов – иккинчи, хоразмлик Тожибой Собиров – учинчи ўринлар эгаси бўлишди. Аёллар ўртасида эса Ҳулкар Аҳмедова (Навоий)га тенг келадиган топилмади. Маҳфират Исломова (Қашқадарё) ҳамда Ҳурматой Юляхшиева (Жиззах) иккинчи ва учинчи ўринга кўтарилишди.

Оилавий жамоалар ўртасида кечган беллашувларда Хоразм вилоятидан Бекжоновлар оиласи биринчи ўрин, Сурхондарё вилоятилик Ҳасановлар оиласи иккинчи ўрин, Фарғона вилояти вакили Аҳмаджоновлар оиласи учинчи ўринга сазовор бўлди. Умумжамоа ғолиблигида Наманган вилояти спортчилари энг юқори кўрсаткичга эришишди. Кейинги ўринларга фарғоналик ва сурхондарёликлар муносиб топилди.

Ғолибларга Марказий кенгашнинг кўчма кубоги, диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**Т.ШЕРНАЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**







Умид ниҳоллари

***Ўтмишда аждодларимиз орасидан Бибихоним, Кенагасбегим, Зебунисо, Увайсий каби оқила аёллар етишиб чиққан. Буюк жаҳонгир Амир Темур юрти Қашқадарёда яшаб, меҳнат ва ижод қилаётган минглаб ёшлар ўзларининг чуқур тафаккурлари, бекиёс истеъдодлари билан эл-улус эътиборини қозонишган.***

# ҚАҲРАМОНДАН ЧИҚҚАН ЧЕМПИОН

Олис Чироқчининг Қаҳрамон қишлоғида оддий муаллим Абдукарим ака Эргашев оиласида ҳали ўсмирлик пиллапоясида бўлган муносиб бир фарзанд улғаймоқда. Кўзлари ўйчан боқувчи, зеҳни баланд, фикри теран, ҳаракатлари дадил, қатъиятли бу қизнинг исми жисмига монанд – Сарвиноз.

Ёшлар ўртасида олти марта жаҳон чемпиони Сарвиноз Эргашеванинг биринчи устози отаси Абдукарим ака ҳисобланади. Қишлоқ боласини ақл гимнастикаси шахматга ошно қилган, қизиқишини оширган, қийин дамларда қўллаб-қувватлаб, далда берган падари бузрукворидан Сарвиноз умрбод миннатдор.

У 2-3 синфларда ўқиётган кезларида шахмат шайдоси бўлиб қолган эди. Мурғаккина жуссасида бекиёс матонат, қалбида сабр-тоқат, машаққатлардан чўчимаслик фазилатлари мужассамлашган.

Ёш шахматчининг мураббийи, спорт устаси Раҳим Ражабов ўн баҳорни қаршилаган қизалоқни вилоят терма жамоаси таркибига қабул қилиб адашмаган эди. Сарвиноз илк бор мамлакат биринчилигида иштирок этишига қарамасдан тенгқурлари орасида маҳорати тенгсиз эканлигини намойиш қилди.

Ўша йилиёқ Францияда ўтган жаҳон биринчилигида қатнашди. Қашқа воҳасининг чекка бир масканида вояга етган қишлоқ қизи Испания, Ҳиндистон, Греция, Россияда ўтказилган халқаро турнирларда қатнашиб, муваффақиятга эришди.

16 ёшгача бўлган спортчилар орасида Ўзбекистондан биринчи рақамли шахматчи деб эътироф этилган Сарвиноз Эргашева халқаро мусобақаларда жаҳоннинг барча нуқталаридан келган тенгдошларига қарши дадил ва ишончли ўйин кўрсатди. 2001 йилда Ҳиндистонда ўтказилган Осиё чемпионатида олтинчи поғонани забт этди. Орадан бир йил ўтганидан сўнг Москвада уюштирилган МДҲ ва Болтикбўйи давлатлари довруғли шахматчилари ўртасидаги халқаро мусобақаларда кучли бешликдан ўрин олди.

2003 йили биринчи лига баҳсларида ғолиб чиқди ва олий табақага чиқиш учун спорт устаси талабини бажарди. Бироқ, спортда ғалаба билан мағлубият бирга юради. 2004 йилда кучлилар сафига қўшилган Сарвиноз қаторасига 8 та учрашувда имкониятни бой берди. Отаси Абдукарим аканинг айтишича, ўшанда у қарийб 10 ой шахмат тахтасига яқинлашмаган. Навниҳол қизнинг тушкунликка тушганидан хабар топган шахмат бўйича Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси мураббийи Фарҳод Собиров уни ёнига чорлаб, руҳан мадад берди.

– Спортда ғолиблар ҳам, мағлубият ҳам бўлиши табиий, - деди устоз ёш шахматчига далда берар экан. – Руҳингни чўктирмасдан қайси юришларда хатога йўл қўйганингни таҳлил этиб, камчиликларни бартараф қилиш йўлларини изла. Ана шундагина яна муваффақият қозонасан.

Сарвиноз яна шахмат оламига қайтди. Тинмай машқ қилди, изланди ва мақсадига етди. Жорий йил бошида «Баркамол авлод-2005» спорт мусобақаларида олтин медални қўлга киритиб, ўзининг нималарга қодирлигини намойиш этди.

Сарвиноз Эргашева яқинда Франциянинг Белфорд шаҳрида ёшлар ўртасида 100 га яқин давлат вакиллари иштирок этган жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашди.

– Халқаро мусобақада ҳамюртимиз, жиззахлик Юлдуз Ҳамроқулова фахрли учинчи ўринни қўлга киритди. - дейди ёш шахматчи қувонч билан. – Бу ютуқ ўзбек халқи фарзандларининг қобилияти, зеҳну-заковати, тиришқоқлигидан дарак беради. Мен ҳам Юлдузхондек машҳур шахматчи бўлиш учун астойдил ҳаракат қиламан.

Инсон қалби орзуларга тўлиқ. Истеъдодни рўёбга чиқариш учун қўллаб-қувватлаш керак. Интеллектуал авлод асри ҳисобланган бизнинг давримизда Сарвинозга ўхшаган юзлаб талантли ёшлар етишиб чиқмоқда.

Орадан йиллар ўтади. Билими, тажрибаси ва маҳорати ошган Сарвиноз Эргашева шахмат тожини кийиб, мамлакатимиз довруғини оламга ёяди.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ҲАММАСИ ЁШЛАР УЧУН

Фарғона шаҳридаги Болалар ва ўсмирлар Олимпия заҳиралари спорт мактабида Германия Федератив Республикасида ишлаб чиқарилган спорт гимнастикаси жиҳозларини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят шаҳар ва туманларидаги соҳа ўқитувчилари, тарбияланувчилари, Осиё ва Республика чемпионлари, Россиядан ташриф буюрган Европа ва жаҳон чемпионлари иштирок этдилар.

Тантанани вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзоси Шермат Нурматов очиб, кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлиги, шу жумладан Фарғонада ҳам бу борада бир қанча амалий ишлар олиб борилаётганини таъкидлаб, бугун топширилаётган спорт жиҳозлари ана шу йўлдаги хайрли ишларнинг навбатдагиси эканлигини қайд этиб ўтди.

Тадбирда спорт гимнастикаси бўйича Олимпия ва жаҳон чемпиони Оксана Чусовитина, Россиядан ташриф буюрган меҳмонлар - спорт гимнастикаси бўйича Европа ва жаҳон чемпионлари Леонид Аркаев, Марина Булошинка, Дмитрий Исметов ва бошқалар ҳам сўз олиб, спорт мактабига топширилаётган спорт гимнастикаси жиҳозлари янги ва янги жаҳон чемпионлари етишиб чиқишида ёрдам беришига ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон Республика Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан олинган 100 миллион сўмлик ушбу спорт жиҳозлари фарғоналик ёшлар учун катта туҳфа бўлди. Тақдимот маросими ёш гимнастикачиларнинг кўргазмали чиқишлари билан якунланди.

**З.БОЛТАБОЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**




*Волейбол*

## РОССИЯНИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Хорватияда давом этаётган волейбол бўйича Европа чемпионати саралаш баҳсларида Россия терма жамоаси иккинчи учрашувни Испания вакилларига қарши ўтказиб, тўрт партияда ғалаба эришди. Жованни Каправи шогирдлари ўйин бошида анча ҳужумкор ҳаракатларни намойиш этган бўлса-да, барибир имкониятни бой берди.

Ҳимоя чизиғининг дастлабки сетларда суст ишлаганлиги панд берди. Ҳамма гап жамоанинг ўйинга руҳий жиҳатдан етарли даражада тайёргарлик кўрмаганлигидандир,-деди испаниялик мураббий.

Россияликларнинг навбатдаги рақиби Голландия терма жамоаси бўлади.

Биринчи гуруҳда азалий рақиблар Сербия ва Черногория -Хорватия терма жамоалари учрашдилар. Мухлислар қўллаб-қувватлаши остида кечган ўйинда мезбонлар ғолиб чиқди.

*Велопойга*

## РОБЕРТО ЭРАС - БИРИНЧИ

Испания йўлларида кўп кунлик "Вуэльта" велопойга баҳслари ниҳоясига етди.



Якшанба куни сўнгги йигирманчи босқич пойгаларида умумий ҳисобда ғолиб аниқланиши лозим эди. Шундай бўлди ҳам. Трасса мезбони Роберто Эрас умумий ҳисобда ғолибликни қўлга киритди ҳамда бу пойгаларда тўртинчи бор муваффақиятга эришди.

Россиялик Деннис Меньшов ғолибдан 4 дақиқа-ю, 36 сония ортда қолди. Яна бир мезбонлар вакили Карлос Састре кучли учликдан жой олди.

*Профессионал бокс*

## ТАКРОРИЙ ЖАНГ ЎТИШИ НОЪМАЛУМ

Биринчи енгил вазнда WBC ҳамда IBF йўналишлари бўйича жаҳон чемпиони Марко Антонио Баррера икки йил муқаддам мағлубиятга учраган Мэнни Пакиао билан такрорий жанг ўтказишни пайсалга соляпти. Бу ҳақда унинг промоутери Оскар Де Ла Хойя маълум этган.

-Биз Моралес ҳамда бошқа боксчилар билан жанг олиб боришга ҳамиша тайёрмиз. Баррера улар билан қандай жанг ўтказишни жуда яхши билади, -деган унинг промоутери.

WBO чемпиони Хорхе-Родриго Барриос ҳам унинг навбатдаги рақиби бўлищи мумкин.

*Футбол*

## ГРАНДЛАР МАҒЛУБИЯТГА УЧРАДИ

Испания чемпионатининг учинчи тур баҳсларида дунёнинг энг кучли жамоаларидан



саналмиш "Реал" ҳамда "Барселона" кулублари кутилмаганда мағлубият аламини тотиб кўрдилар. "Эспаньол" ўз майдонида "қироллик кулуби" ни кичик (1:0) ҳисобда енгган бўлса, Мадриднинг "Атлетико" жамоаси "Барселона" вакиллари билан ўйинда ўз ирodaларини намойиш этди.

Ўйин бошида Это,О томонидан киритилган голга мезбонлар икки тўп билан жавоб бердилар. Ҳимояда чиройли ўйин намойиш этган мезбонлар ўтган йилги чемпион жамоани биринчи бор майдондан бош эгиб чиқишга мажбур қилди.

Тан олинган жамоаларнинг мавсум бошидаги шов-шувли мағлубиятлари туфайли Испания премеросида кутилмаганда "Хетафе" жамоаси пешқадамлик қиляпти. Улар ўтган турда сафарда "Малага" жамоаси меҳмони бўлиб, 4:3 ҳисобида зафар қучдилар.

*Теннис*

## ДЭВЕНПОРТ ЖАРОҲАТ ОЛДИ

Жаҳоннинг етакчи теннисчилари WTA ҳамда ATP турнирларида ўта фаол қатнашмаётганликлари туфайли уларнинг рейтингида катта ўзгаришлар бўлмади. Америкалик Линдсей Девенпортнинг Бали орлида эришган ғалабаси ҳам



унга дунё теннис таснифини бошқараётган Мария Шараповани қувиб ўтиш имконини бермади.

Боз устига у Пекинда ўтадиган турнирда қатнаша олмаслиги мумкин.Чунки у Балида ўтган турнирда белидан жароҳат олди. Бу жароҳат Шарапова учун жуда қўл келса ажабмас.

Эркаклар ўртасида швейцариялик Роже Федерер етакчилик қиляпти. Испаниялик Рафаэль Надал кейинги ўринда бормоқда.

**А. ЮНУСОВ тайёрлади**

## ПОЙТАХТЛИКЛАР - ҒОЛИБ

«ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуида 11-16 ёшли ўсмирлар, шунингдек, эркак ва хотин-қизлар ўртасида таэквондо (ITF) бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаларида 400 нафар спортчи ўз маҳоратини намойиш этди.

Қизиқарли курашларга бой бўлган беллашувларда умумжамоа ҳисобида пойтахтлик спортчилар шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Иккинчи ўринга наманганлик спортчилар лойиқ деб топилди. Самарқандлик таэквондочиларга эса учинчи ўрин насиб этди.

## ГИЛАМДА - ЁШ ПОЛВОНЛАР

Нукус шаҳридаги «Паҳловон» профессионал кураш клуби соврини учун ўтказилган очиқ чемпионатда икки юздан зиёд ёш курашчи 27 вазн тоифасида гиламга чиқди.

Беллашувда яхши натижаларга эришган И.Айтмуратов, С.Ермамутов, А.Ўразимбетов, Ж.Адайтеков, П.Тожибоев, С.Хўжабеков, М.Бекпўлатов, А.Полвонниёзов, С.Алдамжаров сингари ёш полвонлар ўз вазн тоифасида ғолибликни қўлга киритди.

Мусобақа ғолибларига диплом ҳамда қимматбаҳо совринлар топширилди.

**(ЎзА)**

# ИККИ ЖАМОА — ПЕШҚАДАМ

## бириси дилида



***Бу нарса асосан математика фанида учрайди. Ўқувчи бўлиш амалини бажараётиб, қолдиқ қолган сонга нисбатан «бириси дилида», «иккиси дилида» дея изоҳ беради. Миллий чемпионатимизнинг 19-туридан сўнг шундай вазият юзага келдики, бир йўла икки жамоа – «Пахтакор» ва «Насаф» бир хилда очко тўплаб, турнир жадвалида қўш ҳокимият ўрнатдилар. Лекин пойтахтликларда яна бир қолдирилган ўйин бор. Зеро, амалдаги чемпион янада олдинлаб кетиши эҳтимолдан ҳоли эмас.***

Мухлислар кўпдан бери ўртага қўяётган – бу йил ким чемпион бўлади, «Пахтакор»ми ёки биз шоҳсупада янги жамоани кўрамизми?» деган савол ечими тобора муаммоли тус олаётган бир пайтда ушбу тур қандайдир маънода янги ташбеҳларга туртки бўлди. Шундайки, неча фурсат карвонбошиликни ўзида сақлаб келаётган «Насаф» кутилмаганда «Трактор» жамоасининг шиддатли ўйинига қарши ҳеч нима қўллай олмади. Ваҳоланки, меҳмонлар сафарда тўп суришларига қарамай, ҳужумлар хатти-ҳаракатлари натижаси ўлароқ ҳали ҳеч қанча вақт ўтмай икки тўп фарқи билан олдинга чиқиб олгандилар. Ҳатто биринчи таймнинг 1:2 ҳисобида якун топиши ҳам ҳеч қандай хавфдан дарак бермаётгандек эди.

Ҳар қандай кучли жамоа ҳам қачондир, кимдандир мағлубиятга учрайди. Биз буни Европа футболида кўп кузатганмиз. Мана, ўн тўққизинчи турда бу ҳол миллий чемпионатимизда юз берди. «Насаф» жамоаси ҳатто билимдон мутахассисларни ҳам ҳайратда қолдириб, ўз дарвозасидан яна уч тўп олиб чиқди. Бу мағлубият воҳа футболининг етакчи жамоасини қийин аҳволга солиб қўйди. Олий лига дебютанти «Шўртан» эса, табиийки, унга ёрдам берадиган ҳолда эмас. Гарчанд кейинги пайтларда анча мазмунли ўйин намойиш этаётган эса-да, «Пахтакор»га муносиб қаршилик кўрсатишнинг уддасидан чиқишига ишониш қийин эди. Шундай бўлди ҳам. Жамоа ўз дарвозасидан жавобсиз тўрт тўп олиб чиқиб, шундоқ ҳам мураккаб аҳволини янада чигаллаштириб юборди.

Лекин кези келганда Муборакнинг «Машъал» командасига ўз таҳсинимизни айтиб ўтишимиз жоиз. Виктор Жалилов шогирдлари ҳеч бир муболағасиз 14-миллий чемпионатимизнинг кашфиётига айланди. Ўз майдонида шода-шода голлар эвазига юз фоизлик имкониятни қўлга киритишига ўрганиб қолганимиз «Нефтчи» клуби устидан унинг майдонида зафар қучиш аҳёнаҳёнда бўладиган воқеадир. Ўн тўққизинчи турда бунга яна бир карра гувоҳ бўлдик. «Машъал» жамоаси 3:1 ҳисобида ғалаба қозониб, бу йил энг камида бронза медали соҳибига айланишини барчага билдириб қўйдик.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Навбаҳор»-«Қизилқум» – 1:0, «Сўғдиёна»-«Локомотив» – 1:4, «Бухоро»-«Самарқанд-Д» – 1:0, «Металлург»-«Тўпаланг» – 2:1.

Чемпионат якунига етти тур қолди. Энди ҳар бир очко ҳисобда. Бинобарин, мухлислар учун энг қизғин палла бошланди.

**З.РИХСИЕВ**

**Турнир жадвали**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1.«Пахтакор»** | **18** | **14** | **2** | **2** | **59-10** | **44** |
| **2.«Насаф»** | **19** | **14** | **2** | **3** | **38-20** | **44** |
| **3.«Машъал»** | **19** | **13** | **1** | **5** | **40-21** | **40** |
| 4.«Нефтчи» | 19 | 10 | 0 | 9 | 33-22 | 30 |
| 5.«Навбаҳор» | 19 | 9 | 1 | 9 | 23-20 | 28 |
| 6.«Локомотив» | 19 | 9 | 1 | 9 | 33-31 | 28 |
| 7.«Тўпаланг» | 19 | 8 | 2 | 9 | 28-36 | 26 |
| 8.«Қизилқум» | 17 | 7 | 4 | 6 | 22-18 | 25 |
| 9.«Металлург» | 19 | 7 | 2 | 10 | 25-33 | 23 |
| 10.«Трактор» | 19 | 7 | 1 | 11 | 32-40 | 22 |
| 11.«Бухоро» | 19 | 7 | 1 | 11 | 30-44 | 22 |
| 12.«Самарқанд-Д» | 18 | 6 | 3 | 9 | 17-23 | 21 |
| **13.«Сўғдиёна»** | **19** | **5** | **3** | **11** | **11-38** | **18** |
| **14.«Шўртан»** | **19** | **3** | **1** | **15** | **14-47** | **10** |



ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир ўринбосари Ғулом ЮСУПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Мирғиёс Қаюмов (Бош муҳаррир) Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (Бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.20

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 7765

Буюртма Г— 616

2 3 4 5 6